

Энг яхши китобхон оилага «Спарк» автомобили топширилди



Гулистонда Ёшлар куни байрам тадбирлари “Ёшлар паради” лойиҳаси билан бошланди. Унда 1000 нафар йигит-қиз иштирок этди. Сўнгра “Мотамсаро она” ҳайкали пойига гуллар кўйилди. “Юрт байроғи” майдонида 10 ёшга тўлган ўқувчилар “Камалак” болалар ташкилотига, 14 ёшга етган ўғил-қизлар эса Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзолигига қабул қилинди Шунингдек, байрам дастури доирасида “Ҳоким ва ёшлар”, ижтимоий ҳимоя- га муҳтож оилалар фар- зандларининг никоҳ тўйлари, ҳарбий қисмлар ёшлар- ри ўртасида “Зукко китобхон” каби тадбирлар уюштирилди. Муҳташам амфитеатрда байрам тантанаси ва гала-концерт ўтказилди.

Унда Сирдарё вилояти ҳокими Ғ. Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшларига байрам табригини ўқиб эшиттирди. Вилоят ҳокими Президенти- миз қарорига асосан “Мард ўғлон” давлат муко- фоти билан тақдирланган Боёвут туманидаги 30-умум- таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Нодирбек Баҳромов ҳамда Сирдарё туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг оғир атлетика бўйича мураббийи Жавоҳир Қурбоновга ушбу юксак мукофотларни тантанали равишда топширди. “Ёшлар ойлиги” доирасидаги лойиҳалар ғолиблари ҳам муносиб тақдирланди. “Энг яхши китобхон оила” тан- лови ғолиби, Сайхунобод ту- манидан Муҳаммад Қаршиев оиласига Президент совғаси — “Спарк” автомашинаси топширилди.

Источник